

11000000

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining MA'RUZALARI

ДОКЛАДЫ
Академии наук
Республики Узбекистан

2-2022




**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FANLAR AKADEMIYASINING
MA'RUZALARI**

2

2022

**ДОКЛАДЫ
АКАДЕМИИ НАУК
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**МАТЕМАТИКА
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
ЕСТЕСТВОЗНАНИЕ**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
«FAN» NASHRIYOTI, TOSHKENT, 2022**

А.К.Уразбаев¹, Ш.И.Иброимов²**КОЛЛЕКТОР ҲАВЗАЛАРИДАГИ ПАРАГЕНЕТИК ЛАНДШАФТ
КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ ТАБАҚАЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ***(ЎзР ФА академиги Х.А.Ақбаров томонидан тавсия этилган)*


Кириш. Мақолада Амударё ҳозирги дельтасининг суғориладиган ҳудудларида ажратилган коллектор ҳавзалардаги парагенетик ландшафт комплексларининг морфологик ва парагенетик алоқадорликлари очиб берилди. Шу билан бир қаторда, уч коллектор ҳавзаларидаги элементар ландшафт гуруҳларининг бир-биридан майдонлари бўйича фарқ қилишлари илмий асосланди.

Тадқиқот ҳудуди ва услублари. Амударё ҳозирги дельтаси суғориладиган ҳудудларининг коллектор ҳавзалари илк бор парагенетик ландшафт комплекслари таълимоти асосида тадқиқ қилинди. Коллектор ҳавзаларидаги элементар ландшафт гуруҳларининг бир-бири билан алоқадорлиги геокимёвий ландшафт тушунчаси асосида текширилди.

Олинган натижалар ва муҳокамаси. Адабиётларда парагенетик ландшафт комплекслари тушунчаси илк бор Ф.Н.Мильков (1966) томонидан қўлланилган бўлса, коллектор ҳавзаларининг парагенетик ландшафт комплекслари тушунчаси А.К.Уразбаев (2002) коллектор ҳавзаларини илк бор геотизим деб тадқиқ қилганда қўллади.

Дельтада рўй берган “Лито-морфо-педогенез” жараёнида ҳосил бўлган рельефнинг уч шакли (ўзанбўйи баландликлари, баландликларнинг ёнбағри, ўзанлараро пастлик) бир-бири билан алоқадорликда бўлган ва ётқизикларнинг табақаланишида тартиблик кузатилган. Ўзанлараро пастликларда оғир қумоқ ва соғларнинг ётқизилишида ўзанбўйи баландликлари ва ён бағирларнинг роли катта. Бунинг оқибатида оғир механик тартибдаги ботқоқ-ўтлоқ ва ботқоқ тупроқлари ўзанлараро пастликларда ҳосил бўлган. Оғир механик тартибга эга бўлган гидро-морф ландшафтларининг ҳосил бўлиши ўзанбўйи баландликлари ва ён бағирларнинг ўзаро алоқадорликда бўлишининг натижасидир. Шунинг учун ҳам рельефнинг уч шакли ўртасидаги боғлиқликни морфологик алоқадорлик деб аташ илмий жиҳатдан тўғридир.

Дельта тарихида ҳосил бўлган рельефнинг уч шакли геокимёвий ландшафт тушунчаси жиҳатидан элювиал, транс-элювиал, супераквал элементар ландшафтларига мос келади. Ҳосил бўлган гидроморф ландшафтларининг динамикаси ва тараққиёти элементар ландшафт гуруҳларининг ўзаро алоқадорлигига боғлиқдир. Супераквал элементар ландшафтининг геокимёвий хусусиятлари элювиал ва транс-элювиал элементар ландшафтларига алоқадордир. Бу элементар ландшафт гуруҳлари ўртасидаги кимёвий элементларнинг миграцияси ўз навбатида парагенетик алоқадорликка асос бўлади. Элементар ландшафт гуруҳлари ўртасидаги морфологик ва парагенетик алоқадорликларни тадқиқ қилиш ўз навбатида геотизим таълимотига геокимёвий ландшафт тушунчаси томонидан ёндашишга асос бўлади. Амударё ҳозирги дельтаси ўнг қирғоғида жойлашган коллектор ҳавзаларида элементар ландшафт гуруҳлари тартиб билан жойлашади. (1-расм). 1-расмдаги идеаллаштирилган коллектор ҳавзасининг юқори қисмида асосан элювиаль элементар ландшафти устунлик қилса, қуйи қисмида эса суперакваль элементар ландшафти асосий ҳудудни эгаллайди. Элементар ландшафт гуруҳларининг бу тартибда жойланиши тупроқларнинг мелиоратив ҳолатига таъсир этади. Шунинг учун ҳам коллектор ҳавзаларининг қуйи қисмида кучли шўрланган суперакваль элементар ландшафти ҳукмронлик қилади.



1-расм. Идеаллаштирилган коллектор ҳавзасида элементар ландшафт гуруҳларининг табақаланиши. // А- элювиаль; ••• Б- транс-элювиаль; ××× В- суперакваль; Г) - аквал (кўл).

1-жадвал


	КС-1			КС-3			КС-4		
	Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Қуйи
Элювиаль ландшафт	55	30	15	45	15	10	25	15	5
Транс элювиаль ландшафт	30	35	40	25	30	25	20	25	25
Супер аквал ландшафт	15	35	45	30	55	65	55	60	70
ЖАМИ	100	100	100	100	100	100	100	100	100

КТ-1 ЮҚОРИ



- Элювиал ландшафт
- Транс-элювиал ландшафт
- Супер аквал ландшафт

КТ-3 ЮҚОРИ




- Элювиал ландшафт
- Транс-элювиал ландшафт
- Супер аквал ландшафт

КТ-4 ЮҚОРИ



- Элювиал ландшафт
- Транс-элювиал ландшафт
- Супер аквал ландшафт

КТ-1 ЎРТА




- Элювиал ландшафт
- Транс-элювиал ландшафт
- Супер аквал ландшафт

КТ-3 ЎРТА



- Элювиал ландшафт
- Транс-элювиал ландшафт
- Супер аквал ландшафт

КТ-4 ЎРТА



- Элювиал ландшафт
- Транс-элювиал ландшафт
- Супер аквал ландшафт

КТ-1 ҚҮЙШ



- * Элювиал ландшафт
- * Транс-элювиал ландшафт
- * Супер аквал ландшафт

КТ-3 ҚҮЙШ



- * Элювиал ландшафт
- * Транс-элювиал ландшафт
- * Супер аквал ландшафт

КТ-4 ҚҮЙШ



- * Элювиал ландшафт
- * Транс-элювиал ландшафт
- * Супер аквал ландшафт

2-расм. КТ-1, КТ-3, КТ-4 ҳавзаларида элементар ландшафт гуруҳларининг табақаланиши

Шу билан бир қаторда, Амударё ҳозирги дельтаси ўнг қирғоғида жойлашган коллектор ташлама -1 (КТ-1), КТ-3, КТ-4 ҳавзалари ўзларининг элементар ландшафт гуруҳларининг майдонлари бўйича ҳам фарқ қилади (2-расм ва 1-жадвал). Ҳамма коллектор ҳавзаларининг юқори қисмларида элювиаль элементар ландшафти у ёки бу майдонда устунлик қилса, қуйи қисмларида эса аксинча суперакваль элементар ландшафти асосий майдонни эгалайди. Коллектор ҳавзаларида парагенетик ландшафт комплексларининг табақаланишида рельеф структураси катта аҳамиятга эга. Шундай қилиб, парагенетик ландшафт комплексларида рўй берадиган морфологик ва парагенетик алоқадорликлар ландшафтларнинг геохимёвий динамикасини белгилашда асосий омилдир.

Хулоса.

1. Коллектор ҳавзаларининг парагенетик ландшафт комплекслари суғориладиган ҳудудлардаги объектив борлиқдир.
2. Ўзанлараро пастликларни бир вақтнинг ўзида парагенетик ландшафт комплексларининг бир қисми, яъни супераквал элементар ландшафт сифатида (морфологик алоқадорлик) ва комплекснинг ажралмас таркибий қисми сифатида (парагенетик алоқадорлик) тадқиқ қилинди.
3. Коллектор ҳавзаларининг элементар ландшафт гуруҳлари бир томондан парагенетик ландшафт комплексларининг ҳосил қилса, иккинчи томондан эса яхлит геохимёвий ландшафтни ҳосил қилади.
4. Коллектор ҳавзаларини парагенетик ландшафт комплекслари ва геохимёвий ландшафт назариялари асосида тадқиқ қилиш ўз навбатида келажакда уларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишда ҳавзавий усулни қўллашга назарий асос бўла олади.

АДАБИЁТЛАР

1. Мильков Ф.Н. Парагенетические ландшафтные комплексы // Научные записки Воронежского отдела ГО СССР: Изд-во Воронежского университета, 1966, С. 3 - 7.
2. Уразбаев А.К. Системная организация природно-мелиративных условий современной дельты Амударьи: Автореферат диссерт. на соиск. уч. степени док. геогр. наук. Ташкент. 2002, 48 с.
3. Уразбаев А.К. Кичик дельталарнинг дарахтсимон ландшафт комплекслари // Доклады Академии наук РУз. 2021, №4, С. 90 - 92.

А.К.Уразбаев¹, Ш.И.Иброимов²

Коллектор ҳавзаларининг парагенетик ландшафт комплексларининг табақаланиш қонуниятлари

Мақолада Амударё ҳозирги дельтасида ажратилган коллектор ҳавзаларининг парагенетик ландшафт комплекслари илк бор тадқиқ қилинди. Коллектор ҳавзаларидаги морфологик ва

парагенетик алоқадорликлар дала маълумотлари негизида асосланди. Шу билан бир қаторда, Амударё хозирги дельтасидаги уч коллектор ҳавзалари бир-биридан элементар ландшафт гуруҳларининг майдонлари бўйича фарқ қилиши кўрсатилди. Идеаллаштирилган коллектор ҳавзасида элементар ландшафт гуруҳларининг табақаланиш қонуниятлари очиқ берилди.

А.К.Уразбаев¹, Ш.И.Иброимов²

Закономерности дифференциации парагенетических ландшафтных комплексов бассейнов коллектора

В статье впервые изучены выделенные на современной дельте Амударьи парагенетические ландшафтные комплексы бассейнов коллектора. Морфологические и парагенетические взаимосвязи в бассейнах коллектора основывались на полевых данных. Вместе с тем, было показано, что 3 бассейна коллектора в современной дельте Амударьи отличаются друг от друга по площади элементарных ландшафтных групп. Выявлены закономерности дифференциации элементарных ландшафтных групп идеализированного коллектора.

A.K.Urazbayev¹, Sh.I.Ibroimov²

Regularities of differentiation of paragenetic landscape complexes of reservoir basins

The article examines the study of paragenetic landscape complexes of collector basins isolated in the modern Amu Darya delta. Reservoir morphological and paragenetic relationships were based on field data. At the same time, it was shown that three collector basins in the modern Amu Darya delta differ from each other in the area of elementary landscape groups. The regularities of stratification of elementary landscape groups of an idealized reservoir are revealed.

¹⁾ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети

Қабул қилинди 15.02.2022 й.

²⁾ Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти

МУНДАРИЖА

<i>X.O. Kamolov</i> Kompleks analitik sirtlarda ekstremal plurisubgarmonik funksiyalar.....	3
<i>A.V. Yuldasheva</i> Peridinamikaning nochiqli tenglamasining local echilishi haqida.....	7
<i>Ф.Р.Ахмеджанов, Ж.О.Курбанов</i> Натрий фторид кубик кристалларда акустик тулкинларнинг сўниши ва Г-рюнайзен тензори	12
<i>А.И.Бобоев, Ш.К.Акбаров, З.М.Иброхимов</i> YAG vaNd:YAG монокристалларининг тузилмавий хоссалари	17
<i>ЎзР ФА академиги С.З.Зайнабидинов, Х.М.Мадаминов</i> p-Si-n-Si1-xSnx ($0 \leq x \leq 0.04$) тузилмаларда Пул-Френкель эффекти	20
<i>Ш.Х.Фазилов, Э.М.Уринов</i> Айланишга инвариант юз тасвирини аниқлашда босқичма-босқич сошлаш нейрон тармоқ модели.....	24
<i>Ф.Б.Абдуқодиров, И.У.Қосимов</i> Ёғоч қурилиш ашёлари учун янги оловбардош таркиблар ва уларнинг хоссалари	29
<i>D.R.Babakhanova, A.S.Ibodullaev</i> Turli shartlarda ishlatiladigan elastomer kompozitsiyaning xususiyatlariga yuqori molekulyarlik qarishiga qarshi agentning ta'sirini o'rganish	33
<i>Д.Б.Қадирова, Х.М.Бобакулов, С.Ф.Арипова</i> Ўзбекистон флорасидаги <i>Convolvulus</i> туркумига мансуб ўсимликларнинг кимёвий таркибини тадбиқ қилиш.....	36
<i>О'зР ФА академиги S.S.Negmatov, M.A.Babakhanova, K.S.Negmatova, S.U.Sultonov</i> Noorganik to'ldiruvchilarning antikorroziya qoplamalarning fizik va mexanik xossalari ta'sirini o'rganish	40
<i>И.Н.Нурғалиев, Н.И.Бозоров, В.О.Қудийкин, ЎзР ФА академиги С.Ш.Рашидова</i> Қуйимолекуляр полиэтиленда модификацияланган акрил кислотанинг крахмал билан ўзаро таъсирининг квант-кимёвий таъсирини	44
<i>С.Б.Саматов, О.Э.Зиядуллаев, А.Икрамов, Г.Қ.Отамухамедова, С.С.Абдурахманова, Л.К.Аблакулов</i> Бензальдегид ва унинг айрим ҳосилаларини фенилацетилен иштирокида этиланиш жараёни.....	50
<i>Л.О.Хажиев, И.И.Садиқов, А.М.Абдуқаюмов, Н.М.Рустамов</i> Ташувчисиз радионуклид ^{125}I билан этикетланган натрий йодиднинг радиокимёвий ва радионуклидли тозаланиши аниқлаш	55
<i>С.Э.Нурмонов, ЎзР ФА академиги М.И.Мавлоний, Ш.Ю.Азимова</i> Биокоррозия ингибиторлари синтези учун хомашё танлаш	61
<i>A.A.Usmonkulova, G.X.Kadirova</i> Sianobakteriyalar va rizobakteriyalarning nikel, kadmiy va qo'rg'oshin ionlarining turli konsentratsiyalarida o'sishi va rivojlanishi	66
<i>F.D.Akramova, A.A.Akbarov, U.A.Shakarbaev, Sh.O.Saidova, A.U.Mirzayeva, J.R.Esonbayev, O'zR FA akademigi D.A.Azimov</i> Shimoliy-g'arbiy O'zbekiston biogeotsenozlarida qo'y va qoramol gel'mintofaunasining xususiyatlari	72
<i>B.S.Tleumuratova, J.J.Kublanov</i> Orol dengizining qurigan tubidagi tuzlarning suvning sho'rlanishiga ta'sirini miqdoriy baholash	78
<i>A.K.Urazbaev, Ш.И.Иброхимов</i> Коллектор ҳавзаларининг парагенетик ландшафт комплексларининг табақаланиш қонуниятлари	82